O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
SAMARQAND TUMANI

HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
САМАРҚАНД ТУМАНИ

ҲОКИМИ

84

# QAROR - ҚАРОР

200*1* yil "*2*" *июня* № *239-и*

Фукаро Туракулов Орзукулга
автомобилларга суюлтирилган
газ куйиш шохобчаси куриш учун
0.10 га ер майдони ажратиш хакида

Узбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 23-моддасига асосан "Самарканд" жамоа хужалигининг 2000 йил 28 июндаги 2-сонли умумий вакиллар йигилиш карори, ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси, Вилоят хокимининг уринбосари С.Ибрагимов томонидан 2001 йил 8 июндаги 06-3/4-617 ракамли берилган рухсатномаси ва фукаро Туракулов Орзукулнинг туман хокимиятига езган аризасини инобатга олиб

К А Р О Р К И Л А М А Н :

1. Туракулов Орзукулга автомобилларга суюлтирилган газ куйиш шохобчаси куриш учун 0.10 га кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш хакидаги Самарканд жамоа хужалигининг 2000 йил 28 июндаги 2-сонли умумий вакиллар йигини карори тасдиклансин.

2. Автомобилларга суюлтирилган газ куйиш шохобчасини ишга тушириш "Узнефтгаз" акциядорлик компаниясидан рухсат олингандан сунг амалга ошириш ва меъерий коидаларга риоя килиш фукаро О.Туракуловга топширилсин.

3. Ушбу карорни бажарилишини назорат килиш туман хокимининг уринбосари Ф.Ражабовга юклатилсин.

Туман хокими Р.Хакимова